

« 28 » Май 2022 йил

ШАРТНОМА № 1/7

Сух туман

Сух тумани "ASL AZIZ QURILISH INVEST МЧЖ номидан бошлиги Т.Хаджаев куйида «Бажарувчи» деб аталади, биринчи томондан ва Сух тумани мактабгача таълим булими номидан рахбари Г.Усмонова куйида «Буюртмачи» деб аталади, иккинчи томондан Ушбу шартномани туздик.

I. шартнома мазмуни

1.1 «Буюртмачи» Сух туман кишлоғидаги 9-сон ДМТТ биносини «Бажарувчи» га ASL AZIZ QURILISH INVEST МЧЖ жорий таъмирлашга топширади, «Бажарувчи» узининг курилиш материаллари ва ишчи кучидан фойдаланиб, топширилган таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

II. Шартноманинг баҳоси.

2.1 Шартнома буйича бажариладиган курилиш- жорий таъмирлаш ишлари смета буйича умумий баҳоси **342000 000 (Уч юз кирк икки миллион) сумни ташкил қилади.**

2.2. «Буюртмачи» бажарилган ишларга топшириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан ҳақ тулашни уз зиммасига олади.

III. Хисоб-китоб тартиби ва томонлар мажбурияти.

12.1 «Буюртмачи» «Бажарувчи»ни хисоб рақамига смета буйича умумий сумманинг пул утқазиш йули билан олдиндан 30 %-фоизини утқазиб беради.

12.2 «Буюртмачи» бажарилган ишлар буйича туловни тегишли курилиш меёрларига риоя қилган ҳолда қолган туловини бажарилган ишларни форма 2 асосида қабул қилинган кундан сунг узаро тузилган солиштирма далолатнома асосида тасдиқланган сметабуйича утқазиб бериш мажбуриятини олади.

12.12 «Буюртмачи»- «Бажарувчи» томонидан амалга оширилган ишларни Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олади.

12.4. «Бажарувчи» хисоб рақамига 30 фоизлик бадал тушганидан сунг _____ курилиш таъмирлаш объектида ишларни 7 кундан сунг

бошлаб, «Буюртмачи» томонидан танлов асосида белгилаб берилган муддатга топшириши шарт. Курилиш таъмирлаш ишларини тасдиқланган ҳужжатлар, лойиха сметалар асосида сифатли бажаради.

12.5. «Бажарувчи» томонидан Курилиш меёрлари ва қоидалари, СНиП ҳамда стандартлар, лойиха сметалари талабларига риоя қилиш, экспертиза томонидан тасдиқланган курилиш таъмирлаш ишларини бажариш, ишларни бажаришда йул қуйган камчиликларни тезлик билан сифат даржасида бартараф этиш, бу борада «Буюртмачи» томонидан берилган оғохлантиришларни сузсиз бажариш, камчилик ва хатоларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлар тугрисида ёзма ахборот бериш мажбуриятлари амалга оширилади.

12.6. «Бажарувчи» томонидан таъмирлаш ишлари давомида тасдиқланган лойиха сметасига узбошимчалик билан узгартириш киритиш, хато камчиликларга йул қуйиш тақиқланади. Агарда бу ҳолатларга йул қуйса ҳамда «Буюртмачи» томонидан аниқланган камчиликларни қайтадан бартараф этиш буйича сарф харажатлар «Бажарувчи» зиммасига юклатилади ва унинг хисобидан амалга оширилади.

12.7. таъмирлаш ишлари тартиби узаро томонлар ҳамкорлигида амалга оширилади, уларга узгартириш киритиш қонун асосида «Буюртмачи» ни ёзма розилиги одинганидан сунггина амалга оширилиши мумкин.

12.8. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишлари бажарилиши давомида аниқланган камчилик ва хатолар юзасидан далолатнома тузади ва бир нусхасини «Бажарувчи»га бажариш муддатини курсатиб ижрога топширади.

12.9. «Буюртмачи» амалдаги қонун-қоидалар асосида «Бажарувчи» томонидан уз муддатида амалга оширилган таъмирлаш ишларини топшириш ва қабул қилиш ишчи комиссиясини далолатномасига асосан қабул қилади ва бу ҳақда тегишли юкори идораларни тасдиғини олади.

IV. Шартнома буйича жавобгарлик талаби.

4.1 Ушбу шартнома ижроси буйича томонлар уртасида келишмовчилик юзага келса, томонларнинг узаро келишуви ёки Ўзбекистон Республкасининг амалдаги қонун талаблари асосида тегишли суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари орқали ҳал этилади.

4.2 «Бажарувчи» шартнома талабларини бузган тақдирда, яъни уз муддатида бинони фойдаланишга топширмаса шартнома умумий қийматидан муддати утказиб юборилган ҳар бир >кун учун 0,1 %-фоиз | миқдорида пеня, кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома умумий қийматидан 0,1 %-фоиз миқдорида «Буюртмачи» ҳисобига жарима тулайди. Жарима ва пеня суммаси шартнома умумий қийматини 50 фоиздан ошмаслиги шарт.

4.12. «Буюртмачи» эса пул утказишда кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома умумий қийматидан 0,1 % «Бажарувчи» ҳисобига пеня тулайди.

У.ФОРС-МАЖОР ҳолатлари

5.1. Шартнома тузувчи томонларнинг узларига боғлиқ булмаган сабабларга қура енгиб булмас қуч пайдо бўлганида (таббий офатлар, сел, сув, тошқини, ер қимирлаши) шартнома ижроси амалга ошмай қолганида шартнома шартлари буйича тулик жавобгарликдан озоддирлар.

VI Бошқа шартлар.

6.1 Ушбу шартнома иккала томон узаро имзолаб, Агарда томонларнинг бир тарафи бюджет маблағи билан таъминланувчи бўлса туман газначилик бўлини маси руйхатидан утганидан сунг ҳуқуқий қучга қиради ва ҳар икки томонда биттадан нусхаси ва бир нусхаси туман газначилик бўлимида сақланади.

6.2 Мазкур шартномага узгартириш ва қушимчалар киритиш томонларнинг узаро келишуви асосан амалга оширилади. Бу ҳолатда қушимча келишув битами тузилади ва шартномага илова қилинади. Ёзма равишда киритилган ва икки томонларни масъул шахсларини тасдиқланган барча узгартиришлар ҳақиқий ҳисобланади ҳамда амал қилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати.

«28» 1/10А 2022 йилдан «31» Декабр 2022 йилгача деб белгиланади.

Муддатни узайтиришда томонларни ёзма равишдаги келишув битими асосан амалга оширилади.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

Сух тумани "ASL AZIZ QURILISH INVEST МЧЖ

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил Сух туман Ровон МФЙ

Тел./факс 99 _____

(х/в ёки шгх): 20208000805247518001

«Буюртмачи»

Сух тумани мактабгача таълим бўлими -
(буюртмачи номи)

Манзил: Сух туман Ровон қишлоғи

шгх* 100022860302267091100251030

Банк номи СухАгро банки

МФО:

ИФУТ

Рахбар



Т.Хаджаев

Ташкилотнинг СТИРИ

305155475

ИФУТ

Буюртмачи

рахбари



Т.Усмонова



28.07.2022 й

Фарғона вилоят Сўх туман Мактабгача таълим бўлими томондан 25.07.2022 йил кунги лот № 22110012124479 билан 9-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича давлат харидлари порталига қуйилган элон якуни бўйича йиғилиш.

Б А Ё Н И № 3

Қатнашдилавр: В.Каримов – МТЭБ бошлиғи.
Б.Маруфжонов – Бош ҳисобчи
Н.Муминов – МТЭБ ходими
Р.Умаров – Иқтисодчи
Ф.Ибрагимова – 9-сон ДМТТ мудири

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. ЯХШИ НИЯТ ХУСУСИЙ ФИРМАСИ
2. ЧП ASL AZIZ QURILISH INVEST
3. ЧП MUHAMADSIDDIQ QURILISH INVEST

Йиғилишда иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳоланганидан сўнг 2-иш куни мобайнида муҳокамада булган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай этирозлар келиб тушмади. Юқоридидагиларини инобатга олиб комиссия

Қарор қилади:

1. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори бал тупплаган ғолиб иштирокчи ЧП ASL AZIZ QURILISH INVEST МЧЖ билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (Йиғилиш баён ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.
Ушбу қарорни бажаришини назорат қилиш комиссия райиси зимасида колдирилсин.

Комиссия аъзолари:

В.Каримов
Б.Маруфжонов
Н.Муминов
Р.Умаров
Ф.Ибрагимова



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
SO'X TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151400, So'x tumani, Rovon shaharchasi, A. Temur ko'chasi, 102-uy.
Tel.: (99873) 462 57 71, el.pochta: sux.t-yurmarkaz@adliya.uz

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'GRISIDA
HUQUQIY XULOSA № XO 2645233286

1.Loyihaning turi.

SHARTNOMA

2.Loyihaning nomi.

Mahsulot xarid qilish to'g'risida

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana to'grisidagi ma'lumot.

So'x tuman yuridik xizmat kursatish markaziga So'x tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 iyundagi PQ 5168-sonli qarori bilan tasdiqlangan Nizom talablariga asosan 2022 yil 27 iyul kuni **QD 24014200** qayd raqami bilan dasturga xulosa olish uchun kiritilgan So'x tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi ASL AZIZ QURILISH INVEST MCHJ korxonasi bilan tuzilgan shartnoma loyihasi o'rganilganida O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga belgilangan qonun normalari bo'yicha belgilangan talablarga asosan shartnoma loyihasi tuzilganligi aniqlandi

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijasiga kura

XULOSA QILAMAN

So'x tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 iyundagi PQ 5168-sonli qarori bilan tasdiqlangan Nizom talablariga asosan 2022 yil 23- iyun kuni **OR 20835422** qayd raqami bilan dasturga xulosa olish uchun kiritilgan 2022 yil 27- iyul kuni So'x tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi ASL AZIZ QURILISH INVEST MCHJ korxonasi bilan tuzilgan shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga **muvoqif ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq deb topilsin.**

So'x tumani Yuridik xizmat

ko'rsatish markazi

bosh yuristkonsulti:

27.07.2022



F.Boboev